

Мавзу: Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Режа:

1. Инсон, жамият ва табиат тушунчалари.
2. Жамият ва табиат ўзаро муносабатларининг эволюцияси.
3. Биосфера ва ноосфера тўғрисидаги таълимот.
4. Фан-техника инқилобининг жамият ва табиатнинг, инсон ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатига таъсири.

1. Инсон, жамият ва табиат тушунчалари.

Жамият ва табиат, инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир муаммоси - инсониятнинг абадий муаммоларидан биридир. Фалсафий тафаккурнинг бутун тарихи давомида у турлича ҳал қилиб келинган. XVIII асрда Француз социологи Монтескье ўша давр учун хос бўлган фикрни олға суради. У «қонунлар руҳи тўғрисида» номли асарида жамият табиатга тўла равишда қарамлиги тўғрисидаги ғояни ривожлантириб, «Иқлимнинг ҳукумронлиги барча кучлардан устундир», деган шиорни илгари суради.

Кишилар жамиятини табиатга қарши қўядиган, кишилар билан табиат ўртасидаги алоқани истисно қиладиган идеалистик қарашларга қарши ўлароқ табиат билан инсон ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни асослаш ва кўрсатиш муҳим аҳамиятга моликдир. Тарихга икки томондан қараш мумкин, уни табиат тарихи ва жамият тарихига бўлиш мумкин. Бироқ ҳар икки томон ўзаро узвий боғлиқдир. Инсоният мавжуд экан, табиат тарихи ва инсонлар тарихи бир-бирини ўзаро қувватлаб турадилар.

Жамият ва табиат бирлигини таъкидлар эканмиз, биз уларнинг моддий жиҳатдан бирлигини тушунамиз, яъни улар моддийдирлар, бир хил кимёвий моддалардан иборатдирлар. Назарияда диалектик деб аталувчи баъзи бир объектив (холис) қонунларга гарчи ўзига хос шаклда бўлса ҳам бўйсундилар. Жамиятда ижтимоий қонунлар билан бирга физика, кимё ва биология қонунлари ҳам амал қилади. Бунда инсон, жамият табиатнинг бир қисми сифатида тавсифланади. Инсоннинг жисмоний ва маънавий ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ демакдир, зеро инсон табиатнинг бир қисмидир, унинг фарзанди, ривожининг гултожидир. Мазкур ҳолат авваламбор табиат ва жамият пайдо бўлишининг етакчи омили эканлигида кўринади.

Табиат ривожининг маҳсули бўлмиш инсоният табиатга табора ўз таъсирини кўп кўрсатади, инсон фақат ҳар хил ўсимлик ва ҳайвонот ўрнини ўзгартирибгина қолмай, уларни шу даражада ўзгартирдики, унинг фаолияти натижалари Ер сайёраси умумий ўлимга маҳкум бўлгандагина у билан бирга йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, инсон нафақат табиатни ўрганиб билади, балки ўзини ўраб турган дунёни ўзгартиради, «иждод» қилади ҳам. Бироқ ландшафт (табиат манзараси) ни ғоят ўзгартириб юборган ва коинотгача чиқа олган инсоният ҳеч қачон табиатдан узилиб кета олмайди, у ҳамма вақт унинг бағрида яшайди.

Инсоннинг иждодий имкониятлари, унинг табиатни билиш ва ўзгартириш қобилиятларига келганда, улар чек-чегарасиздир. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларсиз ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам, инсон ҳаёти, моддий шароитлари ҳам бўлмайди, демакки жамият ҳам бўлмайди. Жамият бу одамларнинг биргаликдаги ҳаракати, ўзаро таъсирининг маҳсулидир, бу одамларнинг ижтимоий муносабатларидаги инсоннинг ўзидир.

Инсоннинг меҳнат фаолияти унинг табиатга бўлган муносабати асосида ётади. Инсон табиатга таъсир кўрсатар экан, у меҳнат воситалари ёрдамида табиий муҳитни ўз эҳтиёжларига мослаштиради, ўзининг ашёлар (предметлар) дунёсини яратади, ўз ҳаёт фаолият шароитларини қайта ишлаб чиқаради. Инсон билан табиат ўртасида инсон қўли билан яратилган, «инсонийлаштирилган» табиат зухур қилади ва ривожланади. У инсон меҳнати мажмуининг ўзаро таъсири маҳсулидир. Шундай қилиб, меҳнат пайдо бўлганидан бошлаб нафақат инсон меҳнати мажмуининг ўзаро таъсири маҳсули, балки табиатни ўзгартиришнинг омили ҳам бўлиб келган. Одамлар ўзлари жамиятга бирлашган тақдирларидагина табиатнинг чинакам ва онгли ҳокимлари бўлишлари мумкин.

Жамият инсон фаолиятининг тарихий шакли сифатида ҳеч қачон одамларнинг оддий бирлашмаси бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Жамият одамлар, ишлаб чиқариш, иқтисодий, маданий ва ижтимоий ташкилотлар ўзаро таъсири мураккаб системасидан иборатдир. Жамият бу муттасил ривожда бўлган аъзо (организм) дир, у айрим ижтимоий элементларнинг ўзбошимча ишларига йўл қўйувчи ғайри ихтиёрий бирикма эмас. Табиат эса-бу моддий жисмлар, реалликлар мажмуидан иборат бўлиб, улар жамият негизини ташкил этади ва уни қуршаб туради. Биз тушуниб етадиган табиат қандайдир тизимни, жисмларнинг мужассам алоқаларини ташкил этади. Бунда биз жисм сўзи

тимсолида юлдузлардан тортиб атомгача бўлган бутун моддий реалликни тушунамиз.

Табиат ривожининг олий босқичи бўлмиш жамият фақат табиий омил негизидагина яшайди, ривожлана олади ва унинг табиий омил билан доимий ўзаро таъсирда бўлиши шартдир. Келиб чиқиши жиҳатидан табиат билан боғлиқ бўлган жамият ҳар ҳолда табиатнинг алоҳида қисми сифатида яшайди ва ривожланади. Жамият материя ҳаракатининг юқори шаклидир. Меҳнат нафақат инсонни табиатдан ажралиб туришини таъминлайди, балки уни табиат билан қўшади; «инсонийлашган» табиат меҳнат жараёни маҳсулидар, яъни шакллари ўзгартириш воситаси билан табиат инсон эҳтиёжларига мослаштирилади. Табиатнинг ана шу «инсонийлашган» қисми инсонсиз мавжуд бўла олмайди.

Табиатнинг табиий кучлари ўзининг бебош ҳаракатлари билан инсон яратган нарсаларни вайрон қилади. Бу зиддият инсоннинг онгли ва мақсад сари йўналтирилган фаолияти туфайлигина «инсонийлашган» табиат фойдасига ҳал қилинади. Биосферадаги бу ва бошқа зиддиятларини бартараф эта бориб, инсон табиатни жуда улкан миқёсларда оқилона ўзгартириш доираси элементларини яратади. Инсон табиатнинг биронта кучини бошқасига қарши қўйувчи махсус ташкилотчи ва бошқарувчи кўринишда табиатни ўзгартирувчи куч сифатида ўзини намоён этади. Инсоннинг айнан шу фаолиятида табиий жараёнларнинг ижтимоий сабабларга боғлиқлиги биосфера эволюциясининг янги қонунияти сифатида шаклланади.

Ана шу куч пайдо бўлиши ва унинг таъсир кўрсатиши натижасида ландшафт шакли элементлари табиий омиллар таъсирида ўзгарган ва ўзгараётганига нисбатан анча юксак суръатлар билан ўзгара бошлади. Мазкур элементларнинг миқдори тез ортиб бормоқда. Табиатда сифат жиҳатидан янги тизимли ва тизимлараро янги боғланишлар пайдо бўлмоқда. Табиий элементлар, жараёнлар ва воқеликларнинг стихияли ўз-ўзидан бўладиган ўзаро таъсири шакллари эндиликда инсоннинг онгли фаолияти билан боғланган жараёнлар билан тўлдирилмоқда.

Инсоннинг тобора кўпроқ таъсирини бошидан кечираётган табиат ана шу таъсирнинг характериға боғлиқ ҳолда тобора ўзгариб боради. Унинг элементлари «инсонийлашган» моҳият касб этади ва ижтимоий вазифаларни бажаради. Жамиятнинг табиатга таъсир кўрсатиши ва унга хос бўлган зиддиятлар тобора биосферанинг кўпгина элементлари ривожининг асосий манбаи хусусиятларини касб этмоқда.

2. Жамият ва табиат ўзаро муносабатларининг эволюцияси.

Ижтимоий экологияга доир адабиётларда жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирини даврларга бўлиш хусусида турли фикрлар мавжуд. Муаллифларнинг бир тоифаси бешта даврни тилга оладилар. Кўпгина муаллифлар даврларга бўлишда жамият тарихи бешта ижтимоий-иқтисодий формацияларга бўлинишини асос қилиб оладилар.

Биринчи давр ибтидоий-жамоа тузумини ўзичига олади. Бу давр ибтидоий одамлари оддий меҳнат қуролларига эга эди. У қуроллар асосан овчилик ва тирикчилик учун нарсалар тўплашда қўлланилган. Жамият қарор топишининг илк босқичларида табиат ҳаёт кечириш воситаларини бевосита бераверган ва шу боис олдинига уларни ишлаб чиқаришга эҳтиёж бўлмаган.

Жамият билан табиатнинг ўзаро таъсири эволюцияси иккинчи қулдорлик ижтимоий-иқтисодий формация билан боғлиқдир. Бу давр одамга ишлаб чиқариш воситалари ва умуман табиат бойликларги нисбатан хусусий мулкчилик пайдо бўлишини шунингдек, материаллардан ясалган меҳнат қуроллари янада ривож топиши ҳамда уларни қўллаш доираси кенгайишини ўз ичига олади. Мазкур қуроллар ёрдамида инсон табиат босқичларини ўз эҳтиёжларига ижодий равишда мослаштиришга тобора фаолроқ киришади.

Жамиятнинг табиий воситаларги таъсир ўтказишнинг учинчи даври феодализм ижтимоий-иқтисодий тузумига тўғри келади. Жамиятнинг табиатга таъсир ўтказиши шакллари жиҳатидан бу давр иккинчисидан кам фарқ қилади. Иккинчи давр билан учинчи давр ўртасидаги жиддий фарқ шундаки, қлчилик шакллариининг крепостной қарамлик билан алмашиши ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, табиатни билиш ва ўзгартириш учун янги имкониятлар очиб берди.

Тўртинчи давр капиталистик тузумни ўзичига олади. У икки босқичга бўлиниди. Биринчи босқич машиналашган ишлаб чиқариш пайдо бўлиши, фан ва техниканинг замонавий цивилизация турли шакллариининг гуркираб ривожланиши билан боғлиқдир.

Фан ва техника тараққиёти жамиятнинг табиатга таъсир ўтказиш имкониятларни шу қадар ошириб юбордики, В.И. Вернадский таъбирича, «инсоният, умуман олганда, табиат муҳитини ўзгартирувчи ва қайта тузувчи қудратли геологик кучга айланди».

Жамиятнинг табиатга таъсир ўтказиши капитаистик тузумининг иккинчи босқичи капитализмнинг монополистик поғонаси билан боғлиқдир. Капитализм

ривожининг бу босқичида машиналашган техникани ёппасига қўллаш, рақобат ва ишлаб чиқариш анархияси шароитларида жамиятнинг табиатга ваҳшиёна муносабати сақланиб қолди. Жамият билан табиат ўртасидаги зиддият анча кескинлашди. Экология бўҳрони (кризиси) хавфи рўй-рост воқеликка айланди. Биосфера бойликлари чегарасиз ва битмас-туганмаслиги тўғрисидаги гаплар чиппакка чиқади.

Жамиятнинг табиатга таъсири эволюциясининг бешинчи даврини социалистик тузум пайдо бўлишига боғлашади. Бу даврнинг биринчи босқичи табиатдан фойдаланишнинг капиталистик ва социалистик тузумлари амал қилиши билан тавсифланади. Бу тузумлар нафақат «инсон ва жамият» муносабатлари тамоили бўйича, балки «жамият-табиат» муносабатлари тамоили бўйича ҳам бир-бирига қарма-қаршидир. Бу тузумларнинг мавжудлиги ўзаро биргаликда уларнинг табиатга бўлган муносабатларида ҳам муайян из қолдиради.

Бу даврнинг иккинчи босқичи янги экологик тафаккурнинг пайдо бўлиши, умуминсоният мафаатлари йўлида табиий муҳитни ҳоят катта миқёсларда қайта қуриш зарурати билан боғлиқдир. Бу босқичда табиатни жуда катта миқёсларда оқилона ўзгартириш соҳаси оёққа туради ва ривожланади.

Адабиётларда шунингдек жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири тарихини тўрт даврга бўлиш кенг ўрин олган. Яъни 1) Ўзиники қилиб олиш; 2) Аграр; 3) Индустриал; 4) Ноосфера даврлари.

Неоген даври Ер юзида *Homo sapiens* (онгли одам) нинг пайдо бўлишига тўғри келади. Ҳозирги замон антропология ва археология тадқиқотлари маълумотларига кўра бу 30-40 минг йил илгари содир бўлган. Бунгача инсониятнинг узок давом этган ташкил топиш тарихи бўлган. У кўпчилик антрополог олимларнинг хисоблашича бундан 1-1,5 млн. йил муқаддам пайдо бўлган «палеантроп» (тик юрувчи одам) давридан бошланади. Бир қатор олимлар, айниқса археологлар инсоният эволюцияси бошланишини олдинги шакл – «парантроп» (уқувли одам) билан бошлашади. Бундай одам дастлабки сунъий қуролларни яратган ва 2-3 млн. йил илгари яшаган.

Инсоният ташкил топишининг ана шу бутун даври давомида аждодларимизнинг биосферага таъсир ўтказиши ҳаётнинг дастлабки 20-30 минг йилликларида кўпгина умумийликка эга бўлган.

Баъзи бир тадқиқотчилар табиатдан ўзиники қилиб фойдаланиш даврини икки босқичга ажратадилар; ибтидоий одамлар ҳаётида табиатнинг тайёр маҳсулотларини тўплаш устун бўлган босқич ва овчилик ва балиқчилик

хисобига тирикчилик воситаларини қўлга киритиш устун бўлган босқич. Аммо яшаш воситасини қўлга киритишнинг бу ҳар иккала йўли ўз таъйинига кўра бир-бирига жуда яқиндир. Йиғиб-териш, - деб ёзади С.А. Семёнов, - озуқа топишнинг анча қадимги усулидир, овчилик эса, йиғувчилар фаолиятининг мураккаблашган ва техника жиҳатидан такомиллашган усулидир. Бунинг устига улар ўзаро яқиндан боғланиб кетган ва табиий шароитлари жиҳатидан сайёранинг турли минтақалари одамлари ҳаётида ўз салмоғи бўйича анча ўзгариб туради. Бунда териб-термачлаш билан асосан аёллар, овчилик билан эса эркеклар шуғулланишган.

Жамият билан табиат ўртаисдаги биоген ёки мослашиш даврининг кейинги босқичларида пайдо бўлган зиддият янги, техноген даврининг пишиб етилишига олиб келди. Бу ўзлаштирувчи одамдан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи одамга аста-секин ўтишда номоён бўлди. Бошланишда ўзгарувчи таъйинга эга бўлган бу ўтиш зарур ҳаёт воситаларини қўлга киритишда фақат ёрдамчи ролнигина ўйнаган.

Техника даврини тавсифлар экан, Г.В. Платонов бу даврнинг аграр босқичини ажратиб кўрсатади. Мазкур босқичда табиат кучлари билан курашда жамиятнинг аҳволи биоген даврига нисбатан мустаҳкамланади, инсон томонидан табиатга етказиладиган зарар жиддий равишда ўсади. Феодализм шароитларида жамиятнинг табиатга муносабати тахминан кулчилик тузумидагидек бўлган. Шунинг учун ҳам жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири тарихини даврларга бўлиш муаммоларига таалукли тадқиқотларнинг кўпчилигида ҳар иккала ижтимоий-иқтисодий формациялар экологик жиҳатдан жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири тарихининг битта, яъни аграр босқичига киритилган.

Феодализм бағрида саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан техноген даврнинг иккинчи босқичига ўтиш жараёни бошланади. Фан тараққиётининг жадаллашуви ва унинг ишлаб чиқариш доирасида материаллашуви фан ва техниканинг уйғунлашуви (интеграцияси)га, пировардида фан-техника инқилобига олиб келди. Жамият тараққиётининг бундай ҳолати техноген даврининг индустриал босқичи бошланишини яқинлаштирди.

Мазкур босқич табиат ўз-ўзича яратмайдиган моддалар ва ашёларнинг кўплаб вужудга келтирилиши билан тавсифланади. Машиналарнинг яратилиши, буғ ва электрнинг «ром» қилиб олиниши уларни оммавий тарзда ишлаб чиқаришга олиб келди. Бунинг устига ишлаб чиқариш жараёнида нафақат

кутилаётган фойдали маҳсулотлар, балки ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кўпгина қўшимча моддалар яратилди. Уларнинг миқдори баъзан меҳнатнинг режалаштирилган маҳсулотлари ҳажмидан ўнлаб баробар ошиб кетади.

Бу салбий жараёнлар XX асрнинг иккинчи ярмидаги фан-техника инқилоби шароитларида айниқса кучайдики, пировардида у экологик ҳалокат хавфига олиб келди.

3. Биосфера ва ноосфера тўғрисидаги таълимот

Экология ва ижтимоий экологиянинг назарий соҳасида В.И. Вернадскийнинг Биосфера ва Ноосфера тўғрисидаги умумлаштирувчи табиётшуносликка оид таълимоти алоҳида ўрин эгаллайди. Қомусий олим Ерда ҳаётнинг ривожланишига сайёра ва коинот жараёнлари билан узвий алоқада амалга ошадиган жараён деб қарайди. Бунда ҳаётнинг ўзи жонли модданинг алоҳида, ягона бир бутунлиги, Ер юзасидаги барча жонли организмларнинг мажмуи сифатида таърифланади. Ана шу аъзолар Ер юзаси бўйлаб тарқалади, уни ўзгартиради, алоҳида уюшқоқликни яратади. Жонли организмларнинг сайёрада тарқалиши Вернадский томонидан биосфера, ҳаётнинг ягона бир бутунлиги жойлашган алоҳида макон сифатида таърифланади.

Биосфера ўз-ўзидан ривожланувчи энг улкан экологик тизим сифатида коинотда нодир ҳодисадир. В.И. Вернадский тизимининг табиий фаолияти ва доимий ҳаракатдаги мувозанатини таъминлайдиган биосферанинг уюшқоқлиги геологик даврида Ер қобиғидаги биологик-геологик-кимёвий жараёнларининг аста-секин мураккаблашуви натижасида қарор топган. Бу жараёнлар эса жонли модданинг табиий фаолияти сабабли рўй беради.

Олимнинг талқинича, «Жонли модда» (материя) – бу унинг ўзига хос бир қанча хусусияти бўлган тирикликка (жонга) эга моддадир ва айни замонда геологик жараёнларда қатнашадиган организмлар мажмуидир.

В.И. Вернадский Ер қобиғида рўй берадиган жараёнларга биогеокимёвий таъсир кўрсатадиган жонли модда таркибига инсониятни ҳам киритади. Одамнинг биологик моҳияти экология жиҳатидан биосфера билан боғлангандир, зеро у ўз физиологияси билан энергетика оқимлари ва биогеокимёвий ҳодисалар даврасига тортилган. Демак, «Жамият-табиат» тизими (биосфера тушунчасига кирувчи) икки таркибий қисимли табиий-ижтимоий тизим, планетар (умумсайёравий) ижтимоий экологик тизим, деб

карашга асослар бор. Унинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида инсон онги алоҳида ўринга эга.

Аммо бу тизимда инсониятнинг роли жонли моддаларнинг бошқа шаклларида фарқ қилади. Бу хусусда олим шундай деб ёзади: “Инсониятнинг бир хил жонли модда сифатида геохимёвий аҳамиятини ўрганишда биз унинг бутунлай вазнга, таркибга ва энергияга мансуб қилиб қўя олмаймиз. Биз бу ерда янги омил-инсон онгига дуч келамиз”.

Шундай қилиб, биосфера, бир томондан, жонли модданинг фаолиятидир, иккинчи томондан, планетар экологик тизим сифатида органик ҳаёт эволюциясининг табиий платформасидир. Инсон эса унинг чўққисидир. Билимлар ва техникавий ютуқлар билан қуролланган инсон биосферанинг фаолият кўрсатишига ва уюшқоқлигига ҳамда унинг сифат жиҳатидан янги ҳолат – Ноосферага ўтишига таъсир кўрсата бошлади. «Ноосфера» - ибораси илмий адабиётга В.И. Вернадскийнинг биогеохимёвий фикрлари тарафдори, француз математиги ва файласуфи Е.М. Руа томонидан киритилган.

Аммо В.И. Вернадский унга бутунлай янги ижтимоий, экологик мазмун бахш этган. Унинг тушунтирича, ноосфера биосферанинг шундай бир ҳолатидирки, унда онг ва шу онг йўналтириб турган инсон ишлари сайёрада мисли кўрилмаган куч сифатида намоён бўлиши керак. Кўриниб турибдики, ноосфера «биотик» ва «ижтимоийлик»ни бирлаштирадики, бу янги уйғунлашган фан – ижтимоий экологиянинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

В.И. Вернадский Ердаги ҳаёт жуда қадимда пайдо бўлган деб тахмин қилган. Ҳозирда бу тахминни тасдиқловчи турли-туман маълумотлар мавжуд. Шулардан энг муҳими 3-5 млрд. йил аввал мавжуд бўлган Ердаги ҳаёт излари топилганлигидир. Бошқача қилиб айтганда, коинот жисми сифатида Ернинг пайдо бўлиши ва унда ҳаётнинг вужудга келиши 4-5 млрд. йил муқаддам фазовий миқёсларда деярли бир вақтда рўй берган.

В.И. Вернадский биринчилардан бўлиб Ерда ҳаёт пайдо бўлиши фактининг космик аҳамиятини тушуна олади ва унинг сайёра ривожига таъсирини ўрганади. Унинг фикрича, бизнинг сайёрамиз ва коинот ҳозир ягона тизим сифатида тасаввур қилинади. Бу тизим ҳаёт, жонли модда Ерда содир бўладиган жараёнларни бир-бутунликка бирлаштиради. Ернинг бутун тарихи давомида В.И. Вернадскийнинг баҳолаши бўйича, биосферада жонли модда миқдори амалда доимий бўлган. Қуёш энергияси ҳисобига геохимёвий даврлар ёки табиатда моддаларнинг доимий ўзгариб туриши юзага келди. Бундай

Ўзгариб туришга дастлабки материянинг янгидан-янги массалари жалб бўлган. Чунки шундай жинслар қатлами пайдо бўла бошладики, улар кейин геологик ва геохимёвий жараёнлар таъсирида ўзгардилар.

Умумсайёравий ривожланишнинг бу мислсиз миқёсдаги манзараси ақл эгаси- одамнинг пайдо бўлишини ҳам ўз ичига олган эди. Одам эса сайёрада содир бўлувчи барча жараёнларни янада тезлаштирди.

Биокимёвий яратилиш табиийки, янги масалани-умумсайёравий ривожланиш манзарасида Инсоннинг ўрни масаласини ўртага қўяди. Бу масалага В.И. Вернадский жавоб берди: XX асрнинг дастлабки йилларидаёқ инсонни табиатга таъсири шунчалар тез ўсмоқдаки, унинг асосий геологик ўзгартирувчи кучга айланиш вақти унчалик узоқ эмас. Ана шу гапнинг маъноси шуки, инсон Табиатни ривожлантириш истиқболи маъсулиятини ўз зиммасига олиши керак. Экологик тизим ва жамиятнинг ривожи чамбарчас боғланиб кетмоқда. Куни келиб биосфера ақл жабҳаси - Ноосферага ўтади.

Инсон ва инсониятнинг биосферада тутган ўрни масаласига илмий тарзда биринчи маротаба XVIII асрнинг ўрталарида эътибор қаратилган эди. Шу даврда К. Линней сут эмизувчилар груҳида энг юқори туркумни ажратган эди. Аммо, бу қарийиб 2,5 млн. йил муқаддам пайдо бўлган дастлабки «гоминид»лар (лотинча homo-одам)нинг биосферага таъсири бошқа, юқори даражада уюшқоқ бўлган сут эмизувчилар таъсиридан кам фарқ қилган. Гоминидлар содда (ибтидоий) мияга эга бўлган ва меҳнат курулларидан фойдаланмаган. Илк палеолитда оддий меҳнат куруллари билан фойдалана оладиган Homo faber (уста одам) пайдо бўлади. Унинг популяцияси кам бўлганлиги сабабли биосферага таъсири кенг кўламни ташкил этмаган.

Инсоннинг ақлий жиҳатдан ривожлана боргани сари палеолитнинг пировард даврида табиий муҳитга анча фаол таъсир кўрсатадиган Homo sapiens (онгли одам) шаклланади. Бироқ В.И. Вернадскийнинг исботлашича, инсоннинг таъсири ортиб бориши унинг сони кўпайиши билан (бундай таъсир муайян жойда номоён бўлади) белгиланмайди, балки инсоният илмий тафаккури ўсиши билан боғлиқдир. Шу тариқа аста-секин биосфера ривожидида янги боқич - биотик босқич бошланди, демакки биосферанинг сифат жиҳатдан янги ҳолати нообиосфера ёки В.И. Вернадскийнинг изоҳлашича, Ноосфера шаклланиши учун шарт-шароит яратилади.

Ноосфера ривожи бошланишини олим деҳқончилик ва катта шаҳарлар, нисбатан ривожланган қудратли антик давлатлар шаклланиши билан боғлаган. Айни мана шу ижтимоий- иқтисодий негиз В.И. Вернадскийнинг таъкидлашича,

инсон популяцияси тез кўпайишига, «инсониятнинг маданий биокимё энергияси ўсиши» ва демакки, ижтимоий ҳаётда тафаккур пайдо бўлиши кўмаклашган.

Инсониятнинг биосфера ва ноосфера тизимида тутган ўрни жонли модда бошқа формаларидан сифат жиҳатдан фарқ қилади, зеро биз бу ўринда инсон тафаккури ва онгли ҳаракатининг янги омили билан тўқнашамиз. Айни ана шу омил жамият ва табиат муносабатларини қулайлаштиришда ҳал қилувчи кўрсаткичдир.

Ноосфера орқали атроф-муҳитдаги сифат жиҳатдан янги экологик жараёнлар билан инсоният ривожланиши тарихи ўртасидаги сабаб ва оқибат алоқалари ўрнатилади. В.И. Вернадский бизнинг асримиз тарихда бурилиш ҳисобланади, деб таъкидлайди. Чунки инсон биринчи маротаба биосферанинг ўзаро боғланган барча блоклари яъни литосфера, гидросфера, атмосфера, жонли модда фаолиятининг бутун жабҳасини ва ҳатто фазо бўшлиғини ҳам ўзининг техноген таъсири билан қамраб олди.

Бироқ В.И. Вернадский изоҳлашича, илмий тафаккурнинг геологик куч сифатидаги аҳамияти фақат биосферага техноген таъсир кўрсатиш ва унинг ноосферага айланишидагина намоён бўлмайди. Балки, замонавий билимлар билан қуролланган инсоннинг атроф-муҳит экологик ҳалокатини олдини олишга қодир бўлган имкониятларида ҳам намоён бўлади. Ҳозирги замон олимлари олдида, - деб ёзган эди В.И. Вернадский, - ноосфера уюшқоқлигини онгли равишда йўналтиришнинг мисли кўрилмаган вазифалари турибди. Олимлар бу вазифалардан юз ўгира олмайдилар, зеро, илмий билишнинг табиий жараёни уларни шунга йўллайди.

В.И. Вернадский таълимотнинг пухта ишланган қондасини ажратиб кўрсатишда олим тамонидан таърифланган икки биогеохимё принциплари тўғрисида гапириш мумкин. Бу принциплар биосфера ривожини кўздан кечиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Биринчи биогеохимё принципнинг маъноси шуки, жонли модданинг биосферадаги геохимё энергияси (жонли модданинг онгга эга бўлган олий кўриниши инсониятни кўшиб) ўзини энг кўп даражада намоён этишга интилади. Иккинчи биогеохимё принципнинг маъноси шуки, турлар эволюцияси жараёнида организмлар, жонли модданинг айримлари омон қоладик, улар ўз ҳаёт фаолияти билан биоген муносабатни юқори даражада кўпайтиради. Биотизимнинг фаолият кўрсатиши хусусида айти шундай таърифни тахминан айти бир вақтда (XX аср 30-йилларининг биринчи ярми)

биофизик Э. Бауэр ҳам таклиф қилган эди. Шу боисдан юқорида таърифланган принциплари Вернадский-Бауэр қонунлари деб аташ ҳам мумкин.

Бу қонунлардан жуда муҳим хулосалар келтириб чиқариш мумкин. Унинг моҳияти шундан иборатки, биосфера (ноосферагенез)ни ҳозирги замонда ўзгартиришнинг барча жараёнларида инсониятнинг ижтимоий-тарихий тақозоланган эҳтиёжлари ва сайёра ўзгариши табиий қонуниятларининг ўзаро таъсири юқорида таърифланган икки қонунга зид бўлмаслиги керак.

Шундай қилиб, В.И. Вернадскийнинг умуман биосфера ҳақидаги таълимоти илмий билим тараққиётининг ҳозирги босқичи учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир: инсониятнинг ижтимоий фаолияти билан ўзаро муносабатда бўладиган бу табиат, коинот-сайёра жараёнларини ўрганиш бўйича тўхтовсиз ўсиб боровчи гоелогик омил сифатида майдонга чиқишини таҳлил этилиши биосфера тўғрисидаги таълимотнинг узвий давомидир.

Ноосфера тўғрисидаги таълимот табиат кучларидан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш ва уни ривожлантириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, табиатдан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва ривожлантириш йўллари кўрсатиб беради. Бу масалалар В.И. Вернадскийнинг инсоният ривожи табиий-тарихий аспектларига доир ишланмалари билан боғлиқлиги юқорида кўрсатиб ўтилган эди. Мазкур ишланмалар бир қатор хорижий олимлар, шу жумладан Рим клуби ҳомийлигида (А. Печчеи, А. Кинг, Ж. Форрестр, Д. Медоуз, П. Эрлих ва бош.) фаолият юритган олимлар ишлаб чиққан умидсиз башоратларга барҳам беришнинг реал имкониятларини очиб беради. Улар экологик, энергетик, демографик деб аталувчи жуда улкан муаммолар рўй беришини қаромат қилдилар.

Таълимотнинг асосий ғояси В.И. Вернадский тамонидан инсониятнинг автотрофлиги тўғрисидаги фикрига умумлаштирилган. У инсоният биосферанинг чегараланган ресурсларини, энергия манбааларини, ҳом ашё бойликлари материаллари ва уларнинг ривожланишини яқин келажакдаёқ жиддий равишда чеклаб қўяди деб ҳисоблаган. Олим шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини олдиниға лабораторияларда, кейинчалик эса саноат миқёсида ҳам синтезлаш бу қарамликни бартараф этишда кўмаклашишини таъкидлайди.

Бу ҳолат инсониятнинг автотрофлиги ижтимоий сабаблар асосида рўй берганини ифодалайди. Одамлар ҳаётида ва биосферада озиқ-овқатни ана шундай синтезлаш қандай маънони билидиради? Унинг амалга оширилиши инсонни бошқа жонли моддага қарамликдан озод қилган бўлур эди. Яъни инсон ижтимоий гетеротроф мавжудотдан ижтимоий автотроф мавжудотга айланади.

Адабиётлар

1. Абдалова З. “Иқтисодий география” фанидан мустақил ишларни тайёрлашга оид услубий қўлланма.-Т.: ТМИ, 2003 й.
2. Абдуллаев О. “Иқтисодий ва ижтимоий географияга кириш”. Ўқув дастури. Наманган.: Университет, 2000 й.
3. Абиркулов Қ. “Иқтисодий география”.-Т.: ТДИУ, 2004 й.